

---

Кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган Ўзбекистон-Туркменистон муносабатлари чуқур стратегик шериклик даражасига чиқди.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга расмий ташрифи давомида:**

□Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда музокара [ўтказдилар.](#)

Давлат раҳбарлари “Шарқ - Ғарб” ва “Шимол - Жануб” йўналишларида, шу жумладан Туркманбоши порти имкониятларидан фойдаланган ҳолда транспорт йўлакларини фаол ривожлантиришга [аҳдлашиб олдилар.](#)

□Олий даражадаги Ўзбекистон-Туркменистон музокаралари якунида ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими [бўлиб ўтди.](#)

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар [имзоланди.](#)

□Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун олий даражадаги музокараларнинг якунларига бағишланган [брифинг](#) ўтказилди.

□Туркменистонга расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу мамлакат Парламентининг юқори палатаси раиси Гурбангули Бердимухамедов билан [учрашди.](#)

□Президент Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳридаги “Halk hakydasy” (“Халқ хотираси”) ёдгорлик мажмуасида [бўлди.](#)

□Давлатимиз раҳбарига ушбу Маҳтумқули номидаги Туркменистон давлат университетининг Фахрий профессори [унвони берилди](#)

□Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан биргаликда Ашхободда “Тошкент” боғининг тантанали очилишида ҳамда “Хоразм - Тошовуз” чегараолди савдо зонасининг қурилишига бағишланган маросимда [иштирок этди.](#)

2022-10-22 12:13:13